

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий асарларидаги баъзи ҳуқуқий масалаларнинг таҳлилига доир мулоҳазалар

*ТерДУ ЎДЖҚН кафедраси мудири
доц. Янгибоев Н.Қ.*

Мустақил Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунлариданок келажакда мамлакатда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий тизими тарихини ва буюк алломаларимизнинг адолатли жамият барпо этиш ҳақидаги бой илмий асарларини ўрганиш сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Турли мафкуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда аجدодларимизнинг маънавий меъросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди¹. Тарихдан яхши маълумки бизнинг юртимизда бундай қимматли асарларни ёзиб қолдирган кўплаб етук алломалар етишиб чиққан.

Шундай алломалардан бири ислом дини ва ислом ҳуқуқинининг тараққий этишига улкан ҳисса қўшган Абу Исо ат-Термизийдир. Унинг юксак хизматлари ҳақида Биринчи Президентимиз И.А. Каримов қуйидагича таъриф беради: “...Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, “Сунани Термизий” асари ҳам мусулмон оламида...юксак кадрланади. Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир”².

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок

¹ Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-2774-сон. 2017 йил 14 февраль. Тошкент ш. Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 15 февралдаги 33 (6727)-сонида эълон қилинган.

² Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. Б.38-39

Суламий Буғий Термизий³ тахминан 824/825-892 йилларда яшаган. Баъзи манбаларда унинг туғилган йили номалъум ва 892 йилда вафот этган деб ёзилган⁴. У ўз ижодий ва илмий фаолияти даврида ҳадис, калом, ислом фалсафаси билан бир қаторда фикҳ⁵ соҳасида ҳам ижод қилган. Фикҳ ислом ҳуқуқи ва қонунчилиги ҳақидаги махсус фандир. Ислом ҳуқуқшунослигида кенг қўлланиладиган фикҳ- арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси фаҳм қилмоқ, англамоқ, тушунмоқ деб, ёзади олим А.Ш.Жузжоний ўзининг «Ислом ҳуқуқшунослиги» китобида⁶.

Абу Исо ат-Термизий “илк уйғониш даври” алломаларидан ҳисобланади. VIII-XIII асрларни ўз ичига олган бу даврда бизнинг минтақамизда илм-фан, маданият, дин, давлатчилик, тил билан бир қаторда ҳуқуқий билимлар ҳам юксак даражада ривожланган эди. Бунда ислом дини ва маданиятининг Марказий Осиё халқлари ижтимоий ва маданий ҳаётига кириб келиши катта аҳамият касб этади. VIII асрдан бошлаб ислом дини Мовороуннаҳрда жамият ҳаётининг барча жабҳаларига сингиб кетган бўлсада, амалда унинг ўзи ҳам шу ҳудуд шароити ва турмуш тарзига мослашиб борган. Ҳуқуқ ва унинг меъёрларининг шаклланишида ислом дини билан Мовороуннаҳр аҳолисининг урф-одатлари ва анаъналари биргаликда уйғунлашиб борган.

Мовороуннаҳр аҳолисининг ижтимоий ҳаётидаги фуқоролик, ер, оила-никоҳ, ворислик ва бошқа масалалар ислом динининг ҳуқуқий меъёрлари асосида тартибга солинган. Бу ислом ҳуқуқи ва қонунчилигининг алоҳида фан сифатида ривожланишига олиб келган. Абу Исо ат-Термизийнинг “Сунани Термизий” номли тўпламини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилган Абдуғани Абдулло алломанинг фикҳ соҳасидаги хизматлари ҳақида қуйдаги фикрларни эътироф этади: «Имом Термизий фикҳлар раъйини,

³Термизий, Абу Исо. Саҳиҳи Термизий: Танланган ҳадислар /Араб тилидан тарж. ва сўзбоши А.Абдуллоники: Масъул муҳаррир А.М.Мусабек. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1993. – Б.5

⁴ Бартолд В.В. Термез. Соч. Т. III. – Москва: Наука, 1965. С.126

⁵ Фикҳ – [араб.билим, тушунча; мусулмон ҳуқуқи]. Дин, шариат қонун-қоидалари ҳақидаги фан, ислом ҳуқуқшунослиги, илоҳиёт. Ҳадисларнинг биринчи тўплами кўпинча фикҳий-ҳуқуқий масалаларга оид ҳадисларни ўз ичига олади. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати 4 жилд "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти. 2006., Б.351-352

⁶ Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги: Ҳанафий мазҳафи ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Т. 2002

чунончи Абу Ханифа (имоми Аъзам) ва шогирдларининг фикҳий (қонуншунослик) услубларини ўргандики, баъзи ҳадисларни ривоят қилар экан, у ҳадиснинг қонуншуносликка қандай тааллуқли эканини ҳам кўрсатади. Имом Термизий ўзлари фикҳга оид бир китоб ёзганларини айтадилар. Лекин бу китоб бизнинг замонамизгача етиб келмаган»⁷. Лекин, Абу Исо ат-Термизийнинг бошқа асарларида ҳуқуқий масалалар учрайди.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий асарларидаги ҳуқуқий масалалар ҳақида А.Саидов⁸, А.Ш.Жўзжоний⁹, У. Уватов¹⁰, Ҳ.Бобоев¹¹ ва Қ.Қодировлар ўз илмий асарларида ўргандилар.

Фикҳ ислом ҳуқуқшунослиги соҳаси сифатида VIII-X асрларда шаклланди. Фикҳ илми мустақил ҳуқуқшунослик соҳаси сифатида ривожлана бориб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига оид бўлган маънавиятга хос масалаларни қамраб олган: иймон асослари, ақида талаблари, инсон турмуш тарзига оид бўлган муомала, ахлоқ, ибодат қонун қоидаларидан иборат. У қўйидаги асосий манбаларга таянган.

Қуръони Карим – мусулмонларнинг муқаддас китоби.

Ҳадис ёки Сунна – Муҳаммад пайғамбарнинг панд-насиҳатлари, ўғитлари ва кўрсатмалари билан боғлиқ ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлар.

Ҳадислар мусулмон жамоалари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларини белгиловчи манба ҳисобланган. Марказий Осиёлик ҳадисшунос ва ҳуқуқшунос мутаффакирлар мусулмон аҳолиси ҳуқуқининг назарий ҳамда амалий ривожланишига ўлкан ҳисса қўшганлар. Улар асосан ҳанафий мазҳаби тарафдорлари бўлишган. Барча ҳуқуқий қоида ва нормалар шу мазҳаб ҳуқуқий меъёрлари асосида амалга оширилган ва тартибга солинган. Ҳадисларнинг биринчи тўплами кўпинча фикҳий-ҳуқуқий масалаларга оид

⁷Термизий Абу Исо. Саҳиҳи Термизий: Танланган ҳадислар /Араб тилидан тарж. ва сўзбоши А.Абдуллоники: Масъул муҳаррир А.М.Мусабек. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1993. – Б.8

⁸ Саидов А.Х. Бурҳониддин Марғиноний Буюк ҳуқуқшунос. – Т.: Мир экономика и права, 1997 й.

⁹ Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари /масъул муҳаррирлар: А.Х.Саидов, А.Мансур/. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 255 б.

¹⁰ Уватов У. Икки буюк донишманд. –Тошкент: Шарқ, 2005 80 б.

¹¹ Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. - Т.: Янги аср авлоди, 2000.

ҳадисларни ўз ичига олади. Ҳадисларни тўплаш VII аср ўрталарида бошланган. Ҳадисшуносликнинг “олтин асри” бўлган IX асрда кўплаб ҳадислар тўпланиб, тартибга солинган ва улар дин, ахлоқ, фикҳнинг асосий манбасига айланган. Ислом оламида ҳадис тўпламларининг энг машҳури олтига бўлиб, “ал-кутуб ас-ситта” деб аталади. Шулардан бешинчиси Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг “Ал-жомеъ ал-кабир” (“Катта тўплам”, яъни “Сунани Термизий”) номли тўпламидир. Имом Термизий “Ал-жомеъ ал-кабир” ҳадислар тўпламида фикҳий услубларни ўрганиб, баъзи ҳадисларни ривоят қилар экан, у ҳадиснинг қонуншуносликка қандай таалуқли эканини баён қилишга ҳаракат қилган ¹².

Ўзбекистонда ҳуқуқшунос олим А.Х. Саидов¹³ биринчи бўлиб мусулмон ҳуқуқи манбалари тўғрисидаги масалани ўрганган. Акмал Саидов Исо ат-Термизийнинг “Сунани Термизий” тўплами ҳадисларидаги ҳуқуқий соҳага оид билимларини таъкидлаб қуйдаги фикрларни билдиради: “...Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислардаги инсон ҳақ-ҳуқуқларига оид қимматли намуналар, уларнинг шарҳи, тавсифи ва талқинлари фақат Ўзбекистон Республикасида эмас, Шарқ оламида эмас, балки бутун дунё миқёсида замон аҳли учун янгиликдир. Юридик (ҳуқуқий) илимлар бу манбалардан баҳра олиб, нур олиб янги чўққиларга кўтарилишига шубҳа йўқ”¹⁴. У Имом Бухорий, Абу Исо ат-Термизий ва Бурҳониддин Марғиноний асарларидаги ҳуқуқий масалалар фақат диний мазмунда бўлибгина қолмай, балки оилавий, ижтимоий турмуш, шартномалар (мерос ва никоҳ) ва мажбуриятларга оид янги ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлганлигини айтиб ўтади.

Тадқиқодчи Қодиров Қ.Б. Имом ат-Термизий ҳадисларини ўрганиб таҳлил қилар экан уларнинг мазмуний йўналишларини аниқлаб олиб, уларни

¹² Қодиров Қ.Б. Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари., Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2008., Б.121

¹³ Саидов А.Х. Основы мусульманского права: Курс лекций. – Т., 1994, - 140 с.

¹⁴ Саидов А., “Сунани Термизий” инсон ҳақ-ҳуқуқининг ранг-баранг намунаси (Сўнгисўз ўрнида) // Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. Ҳадислар тўплами 1 жилд / таржимон М. Кенжабек (Кенжабоев М.Т.) – Т.: Адолат, 1999 Б. 664

жадвалга жойлаштирди. Унда ҳадисларнинг мазмун жиҳатидан кўпроқ ҳуқуқий йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди¹⁵.

Имом ат-Термизий асарларида мазмуний йўналиш			
№	Ҳадисларда ёритилган масалалар	Йўналтирилган аҳамияти	Асосий мақсад
1.	Исломда оила, ота-она, фарзанд, никоҳ, шариат масалалари.	Ижтимоий, тарбиявий, ҳуқуқий.	Тарбиялаш
2.	Одоб-ахлоқ, иймон, тоат-ибодат масалалари	Тарбиявий, ғоявий.	Ғоя ва эътиқодни мустаҳкамлаш
3.	Ҳаёт, рўзғор, таъминот, иқтисод масалалари.	Ижтимоий, тарбиявий	Турмуш кечиришга тайёрлаш
4.	Мерос, молиявий-иқтисодий муносабатлар.	Ижтимоий, тарбиявий, ҳуқуқий.	Мулкка бўлган муносабатни тўғри шакллантириш
5.	Жамоада ҳаёт, қўшничилик, ўзаро муносабатлар	Ижтимоий, тарбиявий.	Тарбиялаш
6.	Таълим, маърифат, зиё, маънавият масалалари	Тарбиявий, ғоявий.	Илимли бўлишга интилиш
7.	Жамият, адолат, мезон, бошқарув масалалари.	Ижтимоий, ҳуқуқий	Ҳуқуқий билимларни ривожлантириш

Имом ат-Термизийнинг шоҳ асари бўлмиш “Ал жомиъ ас-саҳийҳ” асарида адолат, мерос, оила, никоҳ ва закот каби ҳуқуқий масалалар келтирилган.

Имом Термизий адолатнинг устунлиги, бирор бир қарор ёки ҳуқумнинг адолатли бўлиши зарурлигини таъкидлайди: “Бирор ҳукм қилинадиган бўлса, гумон ва тахмин қилинмасин, балки динимизнинг мадори бўлган итбоъи суннат билан (адолатли) иш кўрилсин”¹⁶. Ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда ислом дини манбалари асосида қарор чиқариш кераклигини айтиб ўтади.

¹⁵ Қодиров Қ.Б. Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари., Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2008., Б.127

¹⁶ Муҳаммад ат-Термизий. Шамойили Муҳаммадия. / араб тилидан Саййид Маҳмуд Тарозий таржимаси – Т.: -2007 324 ҳадис

Имом Термизий асарларида мерос масаласига оид бўлган фикрлари ҳам мавжуд. Маълумки, ислом дини Ҳанафий мазҳаби олимлари мерос масаласини қонун ҳамда васият бўйича амалга оширганлар. Қонун бўйича ворислик инсон вафот этганидан сўнг унинг мол-мулки фарзандларига, агар фарзандлари бўлмаса яқин қариндошларига фақиҳлар томонидан адолатли тақсимлаб берилган. Васият бўйича ворислик инсон ҳаётлиги пайтида ўз мол-мулкни ихтиёрий равишда меросхўрлари ёки меросхўр бўлмаган кишиларга ёзма тарзда мерос қолдирган. Имом Термизий “Шамойили Муҳаммадия”¹⁷ асарининг “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мерослари ҳақида”¹⁸ номли бобида пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)нинг мерос васиятлари ҳақида қуйдаги ҳадисни келтириб ўтади: “Амр ибн ал-Хорис розияллоҳу анҳу дедилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан кейин фақат урушда қиядиган қилич, найза, зурра ва қалқон каби аслаҳаларини ва ҳамиша минадиган дулдул номли ҳачирларини ва бир мунча ерларини қолдириб кетдилар ва уларни ҳам ҳаётларида садақа(васият) қилгандилар”¹⁹.

Ислом динининг молиявий ҳуқуқ масалалари ҳам маълум бир қоидалар асосида тартибга солинган. Дастлаб хумс, закот, закот-ал фитр, садақа, жазия, хирож, ушр ва бошқа солиқ турлари мавжуд бўлган. Имом Термизийнинг “Сунани Термизий” ҳадислар тўпламининг “Закот боблари” қисми ислом дини молиявий ҳуқуқ асосларини ўрганишда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Мулк солиғи бўлган хумс одатда мусулмон қўшинлари қўлга киритган ўлжанинг бешдан бир қисми бўлиб, у аввал Муҳаммад (с.а.в.) ихтиёрига, кейинчалик халифалар хазинасига ажратилган, қолган қисми ҳарбийларнинг ўзлари ихтиёрига берилган²⁰. Бундан ташқари, Имом Термизий “Закот боблари”нинг 16 бобида хумс ердан қазиб олинган

¹⁷ У “Аш-шамойил ан-набавия “, “Аш-шамойил фи шамойил ан-набий саллаллоҳу алайҳи васаллам” (Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари) номлари билан ҳам аталади.

¹⁸ Муҳаммад ат-Термизий. Шамойили Муҳаммадия. / араб тилидан Саййид Маҳмуд Тарозий таржимаси – Т.: -2007. Б.57

¹⁹ Муҳаммад ат-Термизий. Шамойили Муҳаммадия. / араб тилидан Саййид Маҳмуд Тарозий таржимаси – Т.: -2007. Б.58

²⁰ Исламское право: Учебник для Вузов. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2003. – С.274

хазинанинг 1/5 қисми миқдорида олинадиган даромад солиғи эканлигини эътироф этади: “...хазина (дафина) учун эса - хумс (молнинг бешдан бири ҳисобида тулов) бор... Рикоз, яъни кумилган хазина (дафина) «ракиз»нинг куплик шакли бўлиб, ер ости бойликлари деганидир. Молик, Шофиъий ва барча уламо рикоз (хазина)ни ... ерга кўмилган дафиналар сирасига кўшадилар ва бундай дейдилар: Маъданлар учун бешдан бир ... закот бор”²¹.

Ислом динида асосий солиқ турларидан бири закот ҳисобланган. Закот – муҳтож мусулмонлар фойдасига мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, ҳайр-эҳсон. Имом Термизий “Сунани Термизий” ҳадислар тўпламининг “Закот боблари” қисмида унинг турлари, миқдори ва тўланиш тартиби ҳақида атрофлича маълумотлар бериб ўтади. “Закот боблари”да ёзилишича закот тўлашга қодир мусулмонлардан закот олинган. У асосан ҳосил, чорва моллари, маҳсулотлар, тилла ва кумушдандан тўланган. Закотнинг миқдори тегишли тартибда белгиланган. Закот фақирлар ва ночорларга, ёки алоҳида мақтовга сазовар иш қилган кишиларга берилган. Одатда, йиғилган закот маблағларини закот маъмури (асосан қозилар) тасарруф этган. Имом Термизий бу лавозимни “Ҳақ билан иш кўрувчи закот маъмури, токи уйига қайтгунича, бамисоли Аллоҳ йулида (жанг қилган) ғозий кабидир”²² деб таърифлайди.

Ислом динида ҳуқуқий мажбуриятлардан бири садақа ҳисобланган. Садақа арабча сўз бўлиб, “чин дилдан қилинган эҳсон” деган маънони билдиради. Имом Термизий “Садақа - гуноҳни ўчиргайдир, худди сув оловни ўчирганидек!”²³ деб таъкидлайди. Имкони бўлган ҳар бир киши садақа бериши фарз ҳисобланган. Аллома “Закот боблари”нинг 22 бобида “садақа олиши жоиз бўлган кишилар”²⁴ ва 23 бобида эса “садақа олмоғи жоиз бўлмаган кишилар”²⁵ни ажратади. У ҳадис ва ривоятларни келтириб, “Ёнида эллик дирҳами ёки элликдан юқорироқ дирҳами бор бўлса, у киши

²¹ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. Ҳадислар тўплами 1 жилд / таржимон М. Кенжабек (Кенжабоев М.Т.) – Т.: Адолат, 1999 Б. 629

²² Ўша асар Б. 632

²³ Ўша асар Б. 599

²⁴ Ўша асар Б. 635

²⁵ Ўша асар Б. 637

мухтождир ва у закот олмоғи жоиздир... Бой ва бақувват, (соғлом), ўртаҳол киши учун садақа олмоқ жоиз эмас” деб ҳисоблайди²⁶.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Имом ат-Термизийнинг “Сунани Термизий” ҳадислар тўпламини ҳақиқатдан ҳам бугунги кун учун “Ҳуқуқий мерос” ҳисобланади. Унданги инсонни ҳуқуқий ва маънавий тарбиялашга доир фикр ва қарашлар ўша давр, балки ҳозирги глобаллашув шароитида ҳам жуда қимматли ва муҳим аҳамият касб этади. Имом ат-Термизийнинг асарларидаги оила ва жамият, ҳуқуқ, инсонлараро муносабатлар, тарбия масалалари кўп даврлар ўтишига қарамасдан ҳозир ҳам ҳуқуқий, ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. 179 б.
2. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида ПҚ-2774-сон. 2017 йил 14 февраль. Тошкент ш. Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 15 февралдаги 33 (6727)-сонида эълон қилинган.
3. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. Ҳадислар тўплами 1 жилд /таржимон М. Кенжабек (Кенжабоев М.Т.) – Т.: Адолат, 1999. 687 б.
4. Бартолд В.В. Термез. Соч. Т. III. – Москва: Наука, 1965. 713 с.
5. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. - Т.: Янги аср авлоди, 2000. 205 б.
6. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари /масъул муҳаррирлар: Саидов А.Х., Мансур А./. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 255 б.
7. Исламское право: Учебник для Вузов. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2003. – 510 с.

²⁶ Ўша асар Б. 637

8. Қодиров Қ.Б. Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари., Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2008. 155 б.
9. Муҳаммад ат-Термизий. Шамойили Муҳаммадия. / араб тилидан Саййид Махмуд Тарозий таржимаси – Т.: 2007.
10. Саидов А.Х. Бурҳониддин Марғиноний Буюк ҳуқуқшунос. – Т.: Мир эконоимики и права, 1997 й.
11. Саидов А.Х. Основы мусульманского права: Курс лекций. – Т., 1994, - 140 с.
12. Термизий Абу Исо. Саҳиҳи Термизий: Танланган ҳадислар /Араб тилидан тарж. ва сўзбоши А.Абдуллоники: Масъул муҳаррир А.М.Мусабек. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1993. – 208 б.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 4 жилд "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти. 2006. 369 б.